290994

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 17 сентябрь • Шанба • № 73 (14234) تركستان * TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

16 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Клаус Якобс бошчилигидаги Ғарбий Европа ишбилармонлари делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Суҳбатда қандолат маҳсулотлари ва ширинликлар ишлаб чиқариш борасида ҳамкорлик қилиш, қўшма корхоналар очиш, уларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

– Ўзбекистонда сизнинг маҳсулотингизга талаб катта, – деди Ислом Каримов. – Замонавий корхоналар барпо этиш ва ҳамкорликда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар икки томон учун фойдалидир.

Делегация раҳбари тез орада кенг кўламли ишларни амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар етарли эканини таъкидлаб, самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў. Султонов, М. Усмонов ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

***

Шу куни Клаус Якобс бошчилигидаги Ғарбий Европа ишбилармонлар делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ўткир Султонов билан учрашди.

Учрашувда Тошкент ва Янгийўл шаҳарларидаги қандолат фабрикаларини таъмирлаш, янги ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, янги технология асосида ишлайдиган йирик қандолат фабрикасини қуриш ҳақида келишиб олинди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларкни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Суҳбат чоғида АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги амалий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш юзасидан фикрлашиб олинди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА)

## ОНА ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҒИ БУ КУН

## БИР ПАРИ ФАСЛНИНГ ОҒУШИДА МАСТ

*Йил бўйи тўкилган пешона тери бугун ризқ-рўзга айланди. Пахта, мева-чева, сабзавот, умуман, ҳосил йиғим-терими қизғин паллага кирди*

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Австралия ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан ҳукуматингиз ва Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни муносабати билан қизғин қутлашдан мамнунман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар бундан буён ҳам ривожланиб ва мустаҳкамланиб боришига ишончим комил.

**Билл ХАЙДЕН,**
**Австралия Бош губернатори**

****

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Муқаддас байрам — Мустақиллик куни муносабати билан сизга самимий табрикларимини йўллайман ҳамда сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

**Туанку Жаафар Ибни Алмарҳум Абдул РАҲМОН, Малайзия давлати бошлиғи.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам жаноб Президент!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан сизга самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллайман.

Имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикасининг дўст халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Пунсалмаагийн ОЧИРБАТ,**
**Монголия Президенти**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мустақиллик куни муносабати билан Ямайка ҳукумати ва халқи номидан сизга ва Ўзбекистон халқига самимий қутловларимни йўллайман.

**П. Ж. ПЭТТЕРСОН,**
**Ямайка Бош вазири**

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

## БУГУННИНГ ТАЛАБИ ФИДОЙИЛИКДИР

**Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг республика ёшларига**

## МУРОЖААТИ

Олтин куз келди. Далаларда мўл ҳосил етиштирилди. У ризқ-рўзимиз, дастурхонимизга файз киритадиган неъматдир. Деҳқоннинг пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш шу куннинг асосий вазифаси. Қаранг, пахта далалари эртанги кунимиздек оқ-оппоқ . У ўзидек оққўнгилли, ойдин тилакли кишиларни бағрига чорлаётир. Бизнинг заҳматкаш деҳқон элимиз бу азалий ҳақиқатни қадим-қадимдан ҳис этиб келишган. Катта ишга барча бирдек ҳамжиҳат бўлиб киришган. Айни кунда барча вилояту, туманларимизда машаққату қийинчиликлар эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш қизғин паллага кирди. "Арғамчига қил ҳам қувват" деганларидек, шундай суронли маҳалда пахтакорларимизга ҳам маънавий, ҳам амалий кўмак беришга шошилишимиз лозим. Шу ўринда, республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилги пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан муваффақиятли ўтказишни таъминлаш юзасидан қабул қилган қарори нур устига аъло нур бўлди.

Барчамизга маълумки, бугун пахта далаларида ҳиммат камарини боғлаганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Ватанимизнинг бугуни, эртаси уларнинг шижоатли ва фидокорона меҳнатиға боғлиқ. Қолаверса, Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг нималарга қодирлигини бугунги синовлар кўрсатиб беради.

Бугуннинг биздан талаби битта: "Шижоатли меҳнатимиз сенга — Ватан!" шиори остида фидокорона меҳнат қилиш, эрта-бир кун нонимизга, кийим-кечагимизга, ризқ-рўзимизга айланадиган ҳосилни нес-нобуд қилмай, сўнгги мисқолигача йиғиб-териб олишдан иборат.

.Азиз ёшлар, тенгдошлар!

Биз гоҳо ўтиш даврига хос иқтисодий қийинчилик ҳақида гапирамиз, асли уни бартараф этишда ҳалол меҳнатимиз маҳсули бўлмиш мана шу пахта, мева-чева, нефть маҳсулотлари етакчи ўрин тутмайдими? Биз қийинчиликларни енгиб ўтиб келаяпмиз. Олтин куз неъматларини ҳам ўз вақтида йиғиб-териб олсак, яна бир довондан ошган бўламиз. Буюк келажак сари яна бир қадам ташлаган бўламиз. Бунинг шарафи, саодати ўзгачадир. Ҳа, далаларда етиштирилган ҳосилнинг Ватанимиз иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашда қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Пахта бу олтин эмаски, шошилмасдан тозалаб олинса, ёғин-сочин бошланиши билан унинг сифати пасая боради. Шунинг учун ҳар бир дам ғанимат. Лаҳзалардан унумли фойдаланайлик.

Азиз ёшлар!

Саховатли кузнинг қуёшли кунлари кутиб турмайди. Мақсад шуки, "Шижоатли меҳнатимиз сенга — Ватан!" шиори остида барчамиз бир тан-бир жон бўлиб пахта далаларида учрашайлик ва пахтакорларимиз мўлжаллаган марраға ҳаммамиз биргаликда етиб борайлик.

Ҳар биримизнинг ўрнимиз пахтазордадир!

## 1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 16 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

| Вилоятлар | Режага нисбатан фоиз ҳисобида тайёрлангани | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Жами | | Шу жумладан машинада терилгани | |
| | Бир кунда | Мавсум бошидан бери | Бир кунда | Мавсум бошидан бери |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1.02 | 5.46 | 0.01 | 0.02 |
| Андижон | 2.59 | 13.64 | 0.00 | 0.00 |
| Бухоро | 3.66 | 30.98 | 0.00 | 0.00 |
| Жиззах | 0.80 | 3.55 | 0.05 | 0.06 |
| Қашқадарё | 1.99 | 10.33 | 0.47 | 1.70 |
| Навоий | 2.71 | 19.22 | 0.27 | 0.70 |
| Наманган | 1.35 | 7.65 | 0.06 | 0.21 |
| Самарқанд | 2.58 | 16.12 | 0.56 | 1.84 |
| Сурхондарё | 2.30 | 20.01 | 0.53 | 1.70 |
| Сирдарё | 0.56 | 2.52 | 0.00 | 0.00 |
| Тошкент | 0.61 | 3.04 | 0.00 | 0.00 |
| Фарғона | 2.55 | 18.44 | 0.12 | 0.16 |
| Хоразм | 2.43 | 24.93 | 0.00 | 0.00 |
| Ўзбекистон Республикаси бўйича жами | 1.92 | 13.50 | 0.16 | 0.50 |
| 1993 йил шу кунгача тайёрланган пахта | 0.40 | 1.96 | 0.02 | 0.02 |
| Шу жумладан, ингичка толали пахта | | | | |
| Қашқадарё | 0.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Наманган | 0.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Сурхондарё | 0.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Ўзбекистон Республикаси бўйича жами | 0.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| 1993 йил шу кунгача тайёрланган пахта | 0.68 | 3.81 | 0.00 | 0.00 |

*Президент Фармонлари амалда*

## ЁШЛАРГА УЙ БЕРИЛДИ

*Юртбошимизнинг "Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида"ги қарорини барча ёшлар хурсандчилик билан кутиб олган эдилар. Айни қарорда таъкидланган ёш ижодкорларни уй-жой билан таъминлаш масаласи деярли ҳамма вилоятларда ҳал бўлди. Айниқса, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд ҳамда Фарғона вилоятларида бу ишга жуда жиддий ва масъулият билан ёндошилдики, натижада бу вилоятларда 30-40 нафар ёшлар уй-жойли бўлишди. Биз куни кеча Хоразм вилояти бўйича ўз мухбиримиздан шу мавзуда яна бир қувончи хабар олдик.*

***

Яқинда Урганч шаҳрида ўттиз нафар ёш ижодкорга янги қуриб битирилган тўққиз қаватли уйнинг калитлари тантанали равишда топширилди. Ушбу маросимда Хоразмда меҳмон бўлиб турган наманганлик мусобақадошлар ҳам иштирок этишди. Вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзов ва Наманган вилояти ҳокими Бургутали Рапиғалиев ёшларни қизғин қутладилар. Уй калитларини вилоят ҳокими М. Жуманиёзов топширди.

Бу тадбир республикамиз Президенти И. Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида" қабул қилган қарорини амалга оширишда муҳим қадам бўлди. Бугун иқтисодий қийинчиликарга қарамасдан моддий ёрдамга муҳтож ижод аҳлига кўрсатилган ғамхўрликдан урганчликларнинг ҳам боши осмонга етди. Чунки мамлакатимизнинг истиқболи, турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камолати ёшларимизнинг куч-қувватига, ижодкорлигига боғлиқ.

Ўша куни аҳолининг ўз маблағлари ҳисобига барпо қилинган тўққиз қаватли 54 квартиранинг калитлари ўз эгаларига берилди. Шаҳарнинг энг сўлим ва кўркам гўшаларидан бирида жойлашган бу уйни Урганч уйсозлик комбинатининг қурувчилари қуриб битказдилар.

**Д. БЕКЖОНОВА,**
**"Туркистон" мухбири.**

## ҲАЗРАТ БАҲОУДДИННИ ЁД ЭТИБ

Ўтган йили улуғ бобомиз тасаввуф илмининг ёрқин намояндаси, ислом маданиятига муносиб ҳисса қўшган юртдошимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллик тўйи кенг нишонланган эди. Бухоройи Шарифга яқин Шарқ, Америқо, Европа, Марказий Осиё мамлакатларидан нуфузли меҳмонлар келиб, мустақил юрт ўз қадриятларини, буюк фарзандларини нечоғли эъзозлай билишига ишонч ҳосил қилгандилар.

Қутлуғ анжуман қатнашчиларининг ҳар йили сентябрь ойида ҳазрат Нақшбанд хотирасини ёд этиш, ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиш кунлари ўтказиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди. Ҳар бир вилоят зиёратгоҳда муайян бир иншоот қуриш вазифасини зиммага олди. Ҳозир бу ерда бунёдкорлик ишлари авжида. Фарғоналиклар эрта баҳорда катта боғ яратди, наманганликлар шарқона ҳаммом қуриб берди, андижонликлар гулзор, қашқадарёликлар эса меҳмонхона барпо этмоқда. Бухорода янада муборак анжуман бошланди. Бу ерда Нақшбандийхонлик кунлари ўтказилмоқда.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**





Наргиза Ҳақбердиева — 11-синф ўқувчиси. Устозларининг айтишича, унинг ўқиши ҳам, одоби ҳам аъло. Тенгдошлари Соҳиба, Алишер, Шерзод, Садоқатларни айтмайсизми? Уларнинг ҳар бири кунига эл хирмонига камида 70-80 килограммдан "оқ олтин" териб тўкишаяпти. Баҳодир Муродов, Маъруф Мирсаъдиев, Умида Баротова каби юқори синф ўқувчилари ҳам кунлик теримда барчага намуна бўлишаяпти.

Шунингдек, Арнасой туманидаги 15 "А" ижара ширкатлар бирлашмасидаги 2 та ўрта мктабнинг 8, 9, 10 ва 11-синф ўқувчилари ҳам терим сафарбарлигида фаол иштирок этишмоқда. Ҳамид Олимжон номли 13-ўрта мактаб жамоаси билан Ғафур Ғулом номидаги 5-ўрта мактаб ўқувчи ва педагоглари ўзаро мусобақалашиб, хўжаликнинг кунлик хирмонига барака киритишаяпти. Бирлашма раиси Қиличбек Сулаймонов 770 нафар ҳашарчининг ҳимматидан ғоят мамнун эканлигини деҳқонга хос фахр ва ғурур билан изҳор этди...

**Абдулла ТУРДИЕВ,**
**журналист.**

## ЁШЛИК ШИЖОАТИ

Ушбу суратлардаги кулиб турган қора кўзлар Жиззах вилоятининг олис тоғли ва муаззам қир-адирларга бой тумани — Бахмалдан Арнасой туманига ҳашарга келишган. Биринчи суратдаги қизни таниб қўйинг: исми Наргиза, фамилияси Ҳақбердиева. Иккинчи суратда эса Бахмал туманидаги Баҳром Иброҳимов номли 3-ўрта мактабнинг директори Тўрамурод Алимов ўз ўқувчилари даврасида.

— Пахта эмас, бу — бойлик. Ўзбекистонимизнинг шаън-шавкати — "оқ олтин", — дейди биз билан суҳбатда у. — Элимиз удуми — ҳашар ажойиб-да. Мана шу қутлуғ удум анъанаси бизнинг жамоамизни бободеҳқонларимизга кўмакка даъват этди. Шу кунларда 64 нафар ўқувчимиз ғайрат камарини белга маҳкам боғлаб, дур-жавоҳир теришаяпти.

Пахтазор оралаймиз. Теримчи ука ва сингилжонларимизнинг кайфияти яхши, меҳнат натижалари юқори. Мактаб ўқитувчиларидан Эргаш Носиров, Нурулло Маъмиров ва Турдимурод Бекназаровлар ҳашарчи ёшлар гуруҳига масъул, камарбаста. Хўжалик ва туман раҳбарлари ҳашарчиларга ҳар томонлама қайишиб, уларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилашга кундалик эътиборни қаратишаяпти. Ғамхўрликнинг самараси аниқ — натижалар кун сайин қувончли бўлмоқда.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган суратларга яна бир нигоҳ ташланг — устоз ва шогирдлар чеҳрасида ёшлик шижоати жўш уриб турибди...

**Козимжон ЎЛМАСОВ олган суратлар.**

## ПОЙТАХТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

16 сентябрь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси кун тартибига қўйилаётган масалалар муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлди. Унда Тошкент шаҳридан сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари, туман ҳокимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.

Ўзбекистон Олий Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов ўн иккинчи чақириқ республика Олий Кенгашининг ҳисобот давридаги иши ва бўлажак сессия муҳокамасига қўйилаётган асосий масалалар тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Борис Бугров қатнашди.

(ЎзА).

## ЯЙРАНИНГ ЮТУҒИ

Американинг Мичган штатида жойлашган "Интерлокин" мусиқа марказида бўлиб ўтган халқаро мусиқа танловида ўзбекистонлик Яйра Матёқубова иқтидорли скрипкачи деб топилиб, шу ерда бир йил мобайнида таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Яйра ўтган йили ҳам шундай танловда ғолиб чиқиб, икки ой давомида "Интерлокин" марказида мусиқадан таҳсил олган эди.

*Мактаб: ўзгаришлар даври*

## МУАЛЛИМЛАР КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДАН КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Бундан анча йил бурун аждодлари тупроғига қайтган, ҳозир Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида талабаларга таҳсил бераётган суриялик Муҳаммад Ал Бухорий араб тили бўйича дарслик ёзди. Дарслик пойтахтдаги араб тили чуқур ўргатиладиган иккита — биринчи ва йигирма-тўққизинчи мактаб ўқувчилари учун қимматли совға бўлди. Муҳаммад Ал Бухорий ўқитувчиларнинг ҳам араб тили бўйича билимини чуқурлаштириш мақсадида Тошкент ўқитувчилар малакасини ошириш институтида махсус курс очди.

Бу ҳол мактабда хорижий тилларни, хусусан Шарқ тилларини ўргатишга бўлган алоҳида эътибор намунасидир. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин жуда кўп мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўяётган экан, болаларга мактабданоқ хорижий тилларни ўргатиш эҳтиёжи туғилиши табиий, албатта.

Тошкент мактабларида ҳинд, араб, урду, форс тилларидан дарс бераётган ўқитувчилар семинари мана шу мавзуга бағишланди. Семинар августда бошланиб, сентябрда якунланган ўқитувчилар конференцияларининг давоми эди. Конференцияларда 20 дан ортиқ секция ишлади. Уларда ўқитувчилар ўз фанларини ўқитиш юзасидан фикр алмашиб, янги ўқув йили режаларини аниқлаб олишди.

— Конференцияларимиз мавзусини мамлакатимизда қабул қилинган "Соғлом авлод учун" давлат дастури белгилаб берган, — дейди семинар ташкилотчиларидан бири бўлган Тошкент давлат ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори Л. Орипова. — Чунки, жамиятимиз ҳар томонлама баркамол фарзандларни вояга етказишида мактабнинг аҳамияти катта. Мактабнинг бугунги кундаги муаммолари ҳақида гапирилар экан, бу муаммоларга айнан мана шу нуқтаи назардан ёндашиш зарур. Конференцияларимиз ҳам худди мана шу йўсинда ўтди.

Ҳозир олдимизда турган муҳим вазифалардан бири — лотин алифбосига ўтишдан иборат, — деб давом этади Луиза Набиевна. — Шу пайтгача бошланғич синф ўқитувчиларидан 800 киши институтимизда малака оширди. Бу йил янада самаралироқ бўлади — янги ўқув қўлланмалари билан ишлаймиз.

Она тили, адабиёт, Ўзбекистон тарихи ва географияси фанларини ўқитишда ҳам янгиликлар бор. Бу фанлар бевосита Ўзбекистон, унинг тарихи, бугунги куни билан боғланган ҳолда ўргатилади. Шу йўналишда янги дарсликлар тайёрланмоқда, бу ишга бизнинг ходимлар ҳам ҳисса қўшмоқда.

Хуллас, янги ўқув йили олдидан ўтказилган катта педагогик кенгаш самарали бўлгани шубҳасиз.

**Л. СТРУННИКОВА,**
**ЎзА мухбири.**








## ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ

"Донолар дейдики, осонни кутма, имкондан ортиқ бир имконни кутма, Дарёдан дарёни айлагил талаб ва лекин ҳеч қачон уммонни кутма". Бу сатрлар бугунги кун шиори бўлса арзийди, негаки инсон зотига доимо қийин бўлган, мабодо осон бўлса қийинчилик ўйлаб топилади, нега дейсизми, чунки ҳаёт дарёдек оқмоқда, ривожланиш, тараққиёт билан ҳамнафас бўлиш учун тезлик зарур ва бугун бизга оғир туюлган ёки ўзимиз оғир деб ўйлаган кунлар ортда қолмоқда.

Сиз суратда кўраётган тикувчи қизлар ҳам ишдан сўнг ўзларини бироз ҳоригандек, толиққандек сезадилар, бироқ умр ўтмоқда... Улар ҳар бир кун қариялик гаштини сурмоқ учун нафақага чиқадилар, энди уйда невараларини, қанддек ўрик доналарини тарбиялайдилар ва ўша ҳозир сиз суратда кўриб турган онларини эслайдилар... Эслайди-ю, эҳ, қандай зўр дамлар эди, дейди. Ахир, ўша пайтлар чарчаган, лекин тер тўкиб меҳнат қилган, қарангки "йиғлаб-йиғлаб ариқ қазсанг, кулиб-кулиб сув ичасан" деганларидек, ҳозирги ёшлар орадан 40-50 йил ўтгач бугунги кунларни соғинч ила хотирлайдилар.

Суратларда акс этаётган инсонлар ҳам Мингбулоқдан нефть қазийдилар, улар нефтнинг ўзи отилиб чиқмаслигини, балки тоққа чиқмаса дўланага етолмасликларини биладилар. Қўлига қадам, дафтар тутган талабалар ҳам кўз билан нене китобларни "пармалаш" арурлигини ҳис этадилар ва бундан улар қўрқмайдилар. Тўқувчи қизлар эса ўзлари тиакаётган бежирим куйлак-у шимлар кимгадир ярашикли бўлса-ю, одамлар бундай ярашликли кийим кийган кишига ҳавас ила боқса дея ўйлашса ажабмас...

**Тўлқин ИБРОҲИМ.**
**П. МАМАДАМИНОВ, Ш. ОЛИМОВ суратлари.**



*Истиқлол:кеча, бугун, эртага*

Қўчқор Хоназаров

## ЮРТИМ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

*Биринчи мақола*

Инсоният тарихи, кенг маънода олганда, асрлар билан ўлчанади. Ҳар бир аср жамият ҳаётида катта даврни ташкил қилади. Ҳар бир асрнинг ўз юзи, қиёфаси ва ўзига хос томонлари бор. Аммо, биз яшаб турган XX аср инсоният тарихида алоҳида ўрин тутади, десак янглишмаймиз. У шу даражада турли инқилоблар, ижтимоий силкинишлар, маънавий бўҳронларга бой бўлдики, улар ҳақиқатда ҳам миллиардлар онгида туб ўзгариш ясади.

Собиқ тоталитар кўпмиллатли социалистик давлатнинг барбод бўлиши ва унинг ўрнига ўн бешта мустақил давлатнинг юзага келиши ҳам аслида ана шу ўзгаришларнинг мантиқий давомидир. Бу давлатларнинг пайдо бўлиши — тарихий заруриятнинг намоён бўлишидир. Уларнинг таваллуд топиши — фақат у ёки бу раҳбарнинг иродаси ва ҳаракатигагина боғлиқ бўлмай, биринчи навбатда бу жараёнларнинг тарих тамойилига монандлигидадир. Бу туб ўзгаришларнинг бошида турган арбобларнинг ижобий хизмати шундан иборатки, улар ана шу тарихий тамойилнинг асосий талабларини вақтида ва тўғри тушуна олдилар', ўтмиш бизга ўргатган ва оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хоинона йўлдан бизни сақлаб қола` билдилар.

Биз мустақил давлатларнинг таваллуд топиши тарихий зауриятдир,дебянглишмадик. Гап шундаки, инсоният ўз тараққиёти жараёнида эришган ва яратган энг мукаммал тарихий бирлик миллатдир. Бу фикрнинг тасдиғини минглаб ва миллионлаб мисолларда кўриб турибмиз. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамиятнинг моддий ва маънавий ривожланишини тезлатадиган, инсон ўз қобилият ва салоҳиятларини юксак даражада намойиш қила оладиган бирлик миллат экан. Миллатларнинг инсоният тарихидаги ўрни қанчалик салмоқли эканини шундан кўрса бўладики, ҳозирги замонда у суянган, унга замин суянган ва таянч бўлиб хизмат қиладиган моддий ва маънавий бойликлар, зафарлар, ихтиролар, кашфиётларнинг деярли тўқсон фоизи миллатлар, уларнинг вакиллари, фарзандлари, олим ва уламолари, мутахассислари ва тадқиқотчилари томонидан топилган ёки яратилган. Миллатлар қўйнида Гёте, Шиллер, Бальзак, Мопассан, Лопе де Вега, Сервантес, Жек Лондон, Шекспир, Рабиндранат Тагор, Лев Толстой ва Достоевскийлар ижод қилдилар. Инсоният ҳозирги даврда ўзининг руҳий ва маънавий ҳаётини Бах ва Бетховен, Чайковский ва Глинка, Бизе ва Пуччини музикаларисиз, Рембрандт ва Рафаэль, Боттичелли ва Тинторетто, Веласкес ва Суриковлар чизган расмларсиз тасаввур қила олмайди.

Масала шундай экан, яъни ҳозирги замон моддий ва маънавий ҳаёти биринчи навбатда миллатларга таянар экан, демак, илғор давлат бўлмоқчи Ўзбекистон ҳам шу тарих сабоғини инобатга олиб, аввалом бор ўзбек миллатини кўтариш, юксалтириш, ривожлантириш борасида ўйлаши лозим. Биз, ўзбеклар, ўз қаторимиздан дарров Штраусга ўхшаган композиторларни, Роден каби ҳайкалтарошларни, Рубенс каби рассомларни, Бернард Шоу ёки Анатоль Франс каби ёзувчиларни олға суролмасмиз. Бунга вақт керак. Аммо, бугунги биринчи вазифамиз инсоният эришган илмий-техникавий ва маънавий ютуқларни зудлик билан ўрганиш, шунга ярашиқ юксак малакали мутахассисларни тайёрлашдир.

Шу муносабат билан қатор жиддий масалалар олдимизда пайдо бўлиб турибди. Гап миллий уйғониш ва узил-кесил миллий шаклланиш тўғрисида боряпти. Биз қандай миллатмиз ва қандай миллат бўлишимиз керак? Давр бизга қандай талаблар қўймоқда? Миллатнинг хислат ва хосиятлари, ўзига хос томонлари осмондан тушган нарса эмас. Ўзбек миллатининг ҳозиргача ташкил топган қиёфаси ва ўзига хос томонларига эътибор берайлик. Ўзбеклар миллат сифатида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шакллана бошладилар. Демак, бу жараённинг бошланганига юз йилдан ошди. Бу қандай давр эди? Бу қуллик, қарамлик даври эди. Шу юз йилнинг эллик йилида оқ пошшонинг мустамлакаси бўлдик, ундан кейин етмиш йилдан зиёдроқ эса жаҳон социалистик инқилобининг дарғаси бўлмиш СССРнинг одам ва хом-ашё манбаси бўлдик. Бинобарин, ўзбекларнинг миллат бўлиб уюшиш даври тўла равишда номустақиллик шароитида амалга ошди. Шундай экан, бу жиддий омил бизнинг миллий бирлик сифатида шаклланишимизга таъсир этмасдан иложи йўқ эди. Афсуски, бу омил жуда ҳам жиддий ва сезиларли таъсир кўрсатди. Бу таъсир асосан икки салбий ва манфий йўналишга эга бўлди: биринчидан, халқнинг энг фаол қисмида у мосланувчанлик кўникмалари ва руҳиятининг амалий иш юритиш ҳамда фикр юритишга сингиб боришга сабабчи бўлди. Маълум бир ижобий натижага эришмоқчисанми, юқоридагилар билан келиш, мослаш, ҳукмдор ва ҳокимларни мақта, лаганбардор бўл. Шундай қилмасанг, жойинг Сибирда бўлажак. Сибирь катта, сенга ҳам жой топилади, дерди ички овоз. Иккинчи салбий таъсир шундан иборат бўлдики, халқимизнинг кўпчилик қисми бундай мосланувчиликка кўнмади ва бошқа йўлни излаб топди: мослашма, лаганбардор бўлу лекин ўз ишингдан қолма, савдоингни қил, бирни икки қил, топар-тутарли бўл, эл-юрт сени танисин учун ўғил уйлантир, қиз узат, бунинг учун тўю-томоша қил, маъракаларга риоя қил, улардан қолма...

Ана шу сабабли бизнинг миллат бўлиб оёққа туришимиз даврида орамизда Дантон ва Маратлар, Гарибальди ва Бисмарклар пайдо бўлмади: жадидларни, маърифатпарварларни, миллий истиқлолиятимизнинг биринчи тарғиботчиларини эса ҳукмрон мафкура тазйиқида, улар учирма бўлар-бўлмас, қанотларини қайирдилар ва гўрга тиқдилар.

Бизнинг фикримизча, ҳар бир давлат ва миллат мустақиллигини эгаллаш ва уни мустаҳкамлаш даврида энг асосий вазифа — миллий ва умум оммавий жипслашишга ва барқарорликка эришиш ҳамда уни доим таъмин этишдир.

Шуни айтиш керакки, бу умуммиллий вазифани ўртага қўйиш, миллатга тушунтириш ва шу асосда уни жипслаштиришда Ўзбекистон ҳаммага ўрнак бўларли иш бажармоқда. Ривожланган социализмдан эркин бозор иқтисодиёти муносабатларига кўчиш — жуда катта инқилобий ўзгаришдир.

Бундай вазиятнинг ғайритабиийлиги шундан иборатки, жамият ва миллат олдида турган вазифа битта ва ягона бўлса-да, аммо уни талқин этишда ва амалга оширишда энг самарали йўлни худди мен ва менинг сиёсий партиям топди, дейдиганлар бор. Ана шу нарса миллат кучларининг, диққатининг, эътиборининг, имкониятларининг ва салоҳиятининг парчаланиб, сусайиб, бўшашиб кетишига сабабчи бўлади. Буни биз ўтмиш СССР ўрнида пайдо бўлган кўп мустақил давлатлар мисолида кўриб турибмиз. Ўзбекистоннинг бахти шундан иборатки, ана шундай сиёсатбозлик ва сафсатабозликка йўл қўйилмади. Мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодни кўтариш, бўҳрондан қутулиш йўлларини излаш ва ундан чиқиб олиш режалари шундай тузилдики, бу режалар энг асосий ва муҳим масалаларни қамраб ололди.

Демак, тинчлик ва барқарорлик — мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг зарурий замини ҳамда устунлардир. Шундай экан, ана шу мустаҳкамлаш ва ривожланишнинг ўзи нималардан иборат бўлиши керак, улар қандай намоён бўлиши лозим, деган саволнинг пайдо бўлиши ҳам табиийдир. Мана бу ерда жамият тараққиёти қандай асосий йўналишларга эга эканлигини аниқлаб олиш даркор. Мен бу ерда ижтимоий фалсафанинг ва сиёсатшуносликнинг энг оддий ва бошланғич қоидаларини санаб ўтишга мажбурман, чунки Ўзбекистонни буюк келажакли илғор мамлакатга айлантириш тўғрисида амалий гапга ўтишдан аввал жамиятни, давлатни, мамлакатни қандай асосий йўналишларда ривожлантирсак масала оқилона ва ўринли ҳал этилади, деган нарсани аниқлаб олишимиз зарурдир. Худди гўёки бундай йўналишлар чексиз ва ҳаммаси ҳам муҳим; газета, журналлардаги мақолаларни ўқисак ана шундай таассурот туғилади. Масалаларни бундай ёритиш халқимизнинг диққат-эътиборини бўлиб юборади, асосий муаммолар билан иккинчи даражали муаммолар орасидаги фарқларини ажратолмай қолишга олиб келади.

Ана шу тўғрида сўзлар эканмиз, шу нарсани кўзда тутиш керакки, жамият тараққиёти асосан уч йўналишда амалга ошади: моддий-иқтисодий йўналиш, ижтимоий-сиёсий йўналиш ва маданий маънавий йўналиш. Ҳар биримиз кундалик ҳаётда на шу уч йўналишдан бирида ёки бирига хизмат қиламиз.

Бу асосий уч йўналишлар орасида моддий-иқтисодий йўналишнинг биринчи ўринда бўлиши шубҳасиздир. Мамлакатнинг илғорлиги ундаги моддий ишлаб чиқариш ва иқтисоднинг даражасига боғлиқдир. Ҳозирги замон моддий ишлаб чиқариш ва илғорлик даражаси бу соҳаларга тортилганларнинг миқдорий салмоғи ёки тайёрланаётган машиналарнинг сони билан белгиланмайди. Гап уларнинг сифатида — компьютерлаш, роботлаштириш, автоматлаштириш талабларига жавоб бера олишидадир. Моддий ишлаб чиқариш ва иқтисод илғор мамлакатларда шунинг учун ҳам илғорки, улар жамият аъзоларининг бор-йўғи 20-25 фоизини банд қилган ҳолда, жамиятда мисли кўрилмаган мўл-кўлчиликни юзага келтирган. Ана шу сабабдан биз АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия ёки Олмония каби илғор мамлакатларга бориб қолсак, мўл-кўлчиликка ҳайрон бўлиб қоламиз ва кўпинча ўзимизни бу мўл-кўлчилик денгизида қандай тутишни билолмаймиз.

Бизнинг мақсадимиз Ўзбекистонни илғор давлатга айлантириш экан, биринчи вазифа — бошданоқ энг илғор ҳозирги замон техника ва технологияси, фанига суяниш, уларни ўзлаштириш ва кундалик ҳаёт воқеаларига айлантиришдир.

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

**ЖАКАРТА.** Шу йилнинг 31 августида Индонезия ядро тадқиқотлари марказида бўлган портлаш тасодиф туфайли рўй берганлиги аниқланди. Полиция текширувларига кўра, сирқиб чиқаётган газ хизматчилар ташлаган папирос қолдиғидан аланга олган ва кучли портлаш юз берган. Натижада бир киши ҳалок бўлган, бир киши оғир жароҳатланган.

Марказий Германиянинг жаҳонга машҳур "Сименс" компанияси барпо этган эди. Индонезиялик мутахассислар компания вакиллари билан текширув ишларини давом эттирмоқдалар, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

* * *

**АЛЬ-ҚУВАЙТ.** Ироқ ҳукумати биологик қурол ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўймоқчи эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг икки ой давомида Ироқ худудида текширувлар ўтказган махсус гуруҳи шундай хулосага келди. Гуруҳ раҳбари Дэвид Келлининг айтишича, мамлакатдаги 70 дан ортиқ объект текширилган. Ироқ ҳукумати текширувчиларга барча қулайликларни яратиб берган, мавжуд ҳужжатлар ва карталарни тавсия қилган.

* * *

**ХЕЛЬСИНКИ.** Финляндия ҳар қандай вазиятда ҳам Гаитида тинчлик ўрнатиш учун амалга ошириладиган қуролли ҳамлада иштирок этмайди. Финляндия Ташқи ишлар вазирлиги бу ҳақда баёнот берди. Бироқ Гаитида демократик жараёнларни тиклаш ва сайлов ўтказиш каби тадбирларда Финляндия кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин, дейилади баёнотда. Ҳужжат Америка Қўшма Штатлари ва Европадаги бир қанча мамлакатларга юборилди, деб хабар қилади Ташқи ишлар вазирлиги матбуот маркази.

* * *

**РАБОТ.** Мароккаш билан Россия мамлакатлари ўртасида балиқчилик бўйича тузилган махсус комиссия ўзаро ҳамкорлик ҳақида хужжат имзолади. Унда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан бирга атроф муҳит муҳофазаси ва денгиз жониворларини асраш тадбирлари кўзда тутилган.

* * *

**БОНН.** Германия ва Латвия мудофаа вазирлари Фолькер Рею ҳамда Валдис-Вилнис Павловскилар ҳарбий ҳамкорлик ҳақидаги битимни имзоладилар. Германия бундай ҳужжатни марказий ва Ғарбий Европадаги кўпгина мамлакатлар, шунингдек Россия ва Украина билан ҳам имзолаган, деб хабар беради Германия ахборот маҳкамаси

**(ЎзА).**

*Излаган имкон топади*

## РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ УЧУН

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар ўртасида пайдо бўладиган рақобат ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатли ҳамда арзон бўлишини тақозо этади. Андижондаги "Шоҳруҳ" тижорат-ишлаб чиқариш фирмаси хўжаликлардан пахта толаси сотиб олиб, уни қайта ишлаб, тўқилган матодан кийим-кечак тайёрламоқда. Фирмада маҳсулот нархининг арзонлигига эришишга катта эътибор берилаётир.

Тадбиркорлар ўзини оқалмаётган саноат корхоналари биноаларини сотиб олиб, уларда тўқув ва йигирув цехлари очмоқда.Шундай цехлардан бири вилоят марказидаги "Андижонирмаш" заводи қуюв цехи ўрнида ташкил этилди ва унда трикотаж матолари тўқиш йўлга қўйилди. Цехда ойига тўрт тоннагача мато тўқилаётир.

Яқинда фирмага қарашли қурилиш бригадаси ҳам Андижон шаҳрида 300 ишчи ўрнига эга бўлган тикувчилик фабрикасини қуриб битказди. Ҳозир фабрика цехларига чет элдан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилмоқда. Мақсад эса маҳсулотни элга манзур қилиш, турдош корхоналар билан рақобатда олдинда бориш, охироқибатда ўз маҳсулоти билан жаҳон бозорига чиқишдир.

**К. НИЗОМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЙЎЛОВЧИНИ КИМ ЎЙЛАЙДИ?






## ЙЎЛ АЗОБИ...

БУ МУАММО кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Қадим манзилларга элтадиган карвон йўлларига темир излар тушибдики, йўловчиларни шу ташвиш қийнайди.Улар патта олиш ва йўл азоби деган ўй-хаёлларсиз кутилган, кутилмаган сафарларга бамайлихотир чиқадиган кунлар тезроқ келишини интизор кутиб яшайдилар.

Бугун фақат маошга рўзғор тебратаётган оддий одам учун самолётларга патта олиш осон эмас. Шаҳарлараро қатновчи автобусларга тўлов нархи ҳам кундан кунга ошиб бораётир. Тўғриси йўловчи учун бугунги кунда чўнтак кўтарадиган транспорт воситаси поезд бўлиб қолди. Бу эса ўз навбатида шоҳбекат ва поездлардаги муаммоларни янада бўртиброқ кўзга ташланишига сабаб бўлмоқда. Чунки йўловчилар кўп. Шароитлар эса...

## ПАТТАЛАР ҚАЕРДА СОТИЛАДИ?

Қарши шаҳар темир йўл шоҳбекати катталиги, ёруғ ва муҳташамлиги билан ажралиб туради. У ҳар куни 1000 дан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Бу ердан Қарши – Бухоро, Қарши – Самарқанд, Қарши – Термиз, Қарши – Китоб йўналиши бўйича шаҳарлараро поездлар ва Тошкент – Термиз, Тошкент – Сариосиё, Тошкент – Қитоб, Москва – Душанбе, Душанбе – Конибодом, Чоржу – Келеф, Бухоро – Китоб сингари йўналишларда вилоятлар ва давлатларни бир-бирига боғловчи поездлар ўтади. Турган гапки, бу поездлар қатновидан асосий мақсад – йўловчилар узоғини яқин қилиш. Бироқ ҳамма гап ана шу мақсадга қай тарзда ёндашилаётганида, одамларга қандай хизмат кўрсатилаётганида.

Шоҳбекатда юзга яқин одам патта ололмай навбатларда сарғайиб турганлигининг гувоҳи бўлдик. Кўпчилик асосан "Китоб – Тошкент" йўналишидаги поездга патта олиш илинжида жовдирайди. Кассаларда эса Тошкентгача жойлар сотиб бўлинганлиги ҳақидаги ёзув илинган. Олдиндан патта олиб қўяй деб келган тадбиркорларга "кейинги 10 кунгача ҳамма жойлар сотилганлигини" айтишди. Бу ҳам кассаларда патта умуман очиқчасига сотилмайдигандек таасурот қолдиради.

– Мана 4 соатдан буён турибман. Ҳали бирорта ҳам патта сотилмади, – деди ўзини Йўлдош Улашев деб таништирган бир йўловчи. – Ишонмасангиз, бошқалардан сўрашингиз мумкин.

– Тошкентдан бу ерга тўйга келгандик, – деб гапга қўшилди Тўра Жўраев – Қандай қилиб кетишни билмай ҳайронман. Болачақа билан бирга келгандик...

Қаҳрамон она Шарофат опа Азимова бемор фарзандини Тошкентга – касалхонага олиб бораётган экан. "Шунча азоб камлик қилгандай, патта ҳам йўқ экан. Дард устига чипқон деганлари шу бўлса керак-да", деди у йиғламоқдан бери бўлиб. Шу йўналиш бўйича яна битта поезд қатнови йўлга қўйилсагина бу муаммо ечилиши мумкин, дейишди мутасадди ўртоқлар. Бу фикрда жон бор. Чунки шу куни учта автобус йўловчиларга тўлиб, шоҳбекатдан тўғри Тошкентга қараб жўнасада, поездга "осилиб" бўлсада кетиш илинжида кўплар йўл қараб қолишди.

Кечга бориб "Китоб – Тошкент" поезди Қарши шоҳбекатига шиддат билан кириб келди. Бир зумда унинг олдига тумонат одам тизилди. Шоҳбекат тармоқ ички ишлар бўлимига қарашли навбатчилик қисми ходимлари йўловчиларни паттасини текшириб чиқаришга кўмаклашди. Бошқа бировнинг номига олинган патталар ҳақиқий эмас деб ҳисобланди. Бу чора-олиб-сотарликка чек қўярмикин, деб ўйладик. Чунки, ўзини Қаршидаги 7-ПМК пайвандловчиси Сайфулло Раҳимовман деб таништирган йигит куппа-кундузи нархи 8 сўм бўлган патталарни 40 сўмдан пуллаётганда қўлга тушганди.

## БЎЛДИ АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

ҲАММА томоша поезд йўлга тушгандан кейин бошланди. Урсурда паттасиз йўловчилар ҳам чиқиб олишган экан. Бориш керак бўлгач, нима иложлари бор. Уларни ҳам тушуниш керак. Вагон оғалари учинчи "полка"ларни паттасизларга сотишди. Унча-мунча пулга эмас, албатта. Яна қонуний бўлсин деб "жойлашган" йўловчиларнинг исми-шарифини ёзиб ҳам олишди. Айтишларича, бу пулларни кейин топширишар экан. Яна ким билсин. У томони бизга қоронғу.

Вагонларни кузатиб юриб, жанжалнинг устидан чиқдик. Вагон оғаси танбурда тик туриб кетаётганлардан ҳам пул сўрабди. "Биз йўл ҳақини тўлашдан қочмаймиз. Ҳеч бўлмаса, ўтириб кетишимизга шароит яратиб беришсин", дейишди йўловчилар. "Ўтириб кетасизларми, тик туриб кетасизларми, мени қизиқтирмайди. Тафтишчи кўриб қолса, мен жавобгар бўламан. Бўлмаса тушиб қолинглар", деб вагон оғаси ҳам ўзиникини маъқуллади. Охири йўловчилар бошқа вагонга ўтиб кетишгач, жанжал тинди.

Поездларда юриб кўрган бўлсангиз яхши биласиз. Бир кечага 4 сўм (!) тўлаб олинадиган чойшаблар нам, кир ва йиртиқлиги билан таъбингизни хира қилади. Агар чойшабни ўзингиз олиб чиқгудек бўлсангиз, балога қоласиз.

"Китоб – "Тошкент" поездининг бригадири Нажмиддин Усмоновнинг бу ҳақдаги фикри билан қизиқдик. "Ҳар бир йўловчининг бир кечага чойшаб сотиб олиши мажбурий. Паттага пули етгач, буёғиниям ўйлашсин. Баъзан ўзи билан чойшаб олиб юрадиганлар учраб туради. Уларга гапимиз шу: кўрпа ва ёстиқни ҳам ўзлари олиб чиқаришсин".

Ана сизга кўп йил шу соҳанинг нонини еган, кекса бригадирнинг фикри. Яна бечора йўловчига жавр. Унга танлаш ҳуқуқи берилмаган. Борига қаноат қилишга мажбур.

Кеч соат 12.00 ларда поезд Самарқанд вилояти ҳудудига кириб борарди. Ногаҳонда отилган тошлар зарбидан вагонлардаги 4 та ойна чил-чил синди. Ҳайрият, ҳеч кимга жароҳат етмади. Бир жувон қўлини ойна тилиб юборган йигитга қараб: "Худо бир асради. Минг марта шукр. Ўғлимнинг шундоққина ёнига тушди-я", деб боласини бағрига босганча дир-дир титрайди. Кексароқ киши уни юпатган бўлди. Сўнгра бирдан тутоқди: "Кимнинг боласи экан-а, бу лаънатилар..."




Бизни ҳам анча вақтгача шу савол ўйлантирди: "Кимнинг боласи улар?" Боламикан у ёки кап-катта одам. Шу қилмишидан қандай лаззат топаркан? Поездлар ойнасига тош отувчилар ҳақида кейинги пайтларда кўп гапиряпмиз, ёзяпмиз. Уларнинг дастидан вагонлар ойнасиз қоляпти. Бироқ натижа йўқ. Жиноятчиларни ушлаб, жазолаш ҳақида ким бош қотираяпти? Ҳечдан кўра кеч, дейишади. Агар бу борада бирон бир тадбир ишлаб чиқилиб, жиноятчилар аниқланиб, жазоланса, буни матбуот орқали, кенг жамоатчиликка маълум қилиш керак. Токи бу маънавияти сўқир кимсаларга ибрат бўлсин.

БИР НЕЧА КУНЛИК кузатувимиздан олган таасуротларни қоғозга туширарканмиз, бир нарсага амин бўлдик. Темир йўл хизматида ечимини кутиб ётган муаммолар мўл экан. Тўғри, юқорида таъкидлаганимиздек, уларнинг айримлари кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Лекин...

Истиқлол халқимиз тарихида янги фаслни бошлаб берди. Мустақил давлатимиз дунёга юз бурди. Тараққийпарвар юртлар, халқлар билан борди-келди қиляпмиз. Шундай экан, кечаги ва бугунги ҳар қандай муаммоларни эртага қолдиришга ҳаққимиз йўқ

**Сирожиддин РАУФ,**
**Аҳрор САМАРИДДИНОВ,**
**"Туркистон" махсус мухбирлари.**

